

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СИРОЖИДИНОВ БЕҲЗОД АРАБДЖОНОВИЧ

**ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ ГЕНОТИПЛАРИНИ БОЙИТИШДА
ТУРЛИ ГЕНОМЛИ ТУРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

03.00.09 - Умумий генетика

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Content of the abstract of doctoral dissertation

Сирожидинов Беҳзод Арабджонович

Ғўза навларининг генотипларини бойитишда турли геномли турлардан
фойдаланиш 5

Сирожидинов Беҳзод Арабджонович

Использование разногоеномных видов для обогащения генотипов сортов
хлопчатника 29

Sirojiddinov Bekhzod Arabdjonovich

Using different genomic species to enrich the genotypes of cotton varieties. 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СИРОЖИДИНОВ БЕҲЗОД АРАБДЖОНОВИЧ

**ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ ГЕНОТИПЛАРИНИ БОЙИТИШДА
ТУРЛИ ГЕНОМЛИ ТУРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

03.00.09 - Умумий генетика

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.DSc/B117 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг (www.genetika.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Абдуллаев Абдумавлян

биология фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар:

Бабоев Саидмурот Кимсанбоевич

биология фанлари доктори, профессор

Ахмедов Жамолхон Ходжахонович

биология фанлари доктори, профессор

Бобоев Сайфулла Ғафурович

биология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат Аграр университети

Диссертация химояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.B.53.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «_____» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз. Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 264-23-90, факс (+99871) 264-23-90, E-mail: igebr@academy.uz.)

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз. Тел.: (+99871) 264-23-90.

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2020 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

А.А. Нариманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к-х.ф.д., профессор

Б.Х. Аманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.д., катта илмий ходим

Ш.Юнусхонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда турлараро дурагайлаш ва экспериментал полиплоидия услубларини қўллаш асосида ирсиятни ўзгаришига олиб келиши оқибатида турли хил муҳит шароитларга тез мослаша оладиган янги пластик генотиплар ва уларнинг генетик асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда, ўзида бир неча турлар генотипини мужассамлаштирган янги интрогрессив дурагай шаклларни патоген микромицетдан ажратилган микотоксинларига чидамлик потенциалини мужассамлаштирган янги навларини яратиш ва мавжуд навларни хўжалик белгиларини такомиллаштириш асосида замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган тезпишар, ташқи муҳитнинг биотик ва абиотик таъсирларига чидамлик потенциалини мужассамлаштирган манбалар яратиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда турли стресс омилларга, касалликларга ва зараркунандаларга генетик жиҳатидан чидамли бўлган бошланғич манбалар ҳамда қишлоқ хўжалик экинларининг ёввойи аجدодларидан фойдаланиш ҳисобига маданий экинларнинг қимматли хўжалик белгилари генетик ўзгарувчанлигини ошириш долзарб муаммолардан биридир. Айниқса, турлараро дурагайлаш ва экспериментал полиплоидия услубларини қўллаш асосида ғўза генофондини ўзида ноёб белгиларни мужассамлаштирган, касаллик ва зараркунандаларга чидамли бўлган ҳамда турли хил муҳит шароитларга тез мослаша оладиган шаклларнинг генотипларини бойитишда турли геномли турлардан фойдаланиш ҳамда уларни амалиётга жорий этиш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга.

Республикамизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва аграр ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга давлат томонидан алоҳида эътибор берилди. Мазкур йўналишда амалга оширилган чора-тадбир асосида пахтачиликнинг генетика ва селекция соҳаларини ривожлантириш, генетик жиҳатдан яқин бўлган ғўза навларини селекция жараёнларига тадбиқ қилиш борасида муҳим натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясида¹ «касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш» вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан интрогрессив дурагай шаклларни баҳолашнинг генетик асосларини такомиллаштириш ва турлараро дурагайлаш ва экспериментал полиплоидия услубларининг самарадорлигини таққослаш асосида янги генетик ўзгарувчанликка эга рекомбинантлар ва трансгрессив шаклларни ажратиб олиш ҳамда уларни амалиётга жориш этиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августдаги 395-П-сон «Селекция ютуқлари тўғрисидаги» Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2020 йилларда кишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарори ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Кишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ ба-жарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Турлараро дурагайлаш ва экспериментал полиплоидия асосида ирсиятни ўзгаришига олиб келиши оқибатида ташқи муҳитнинг биотик ва абиотик таъсирларига чидамлик потенциални мужассамлаштирган манбалар яратишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Nanjing Agricultural University, Chinese Academy of Agricultural Sciences, Cotton Research Institute (Хитой), United State Agricultural Department (АҚШ), Indian Central Institute for Cotton Research (Ҳиндистон), Central Cotton Research Institute, Sakrand (Покистон), Australian Cotton Research Institute (Австралия), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида (Ўзбекистон) ва бошқа илмий муассасаларида олиб борилмоқда.

Gossypium L. туркуми турларининг турлараро дурагайлаш ва экспериментал полиплоидияга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқот натижасида қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: ғўзанинг турли геном гуруҳларига мансуб ёввойи ва маданий турларини дурагайлашга жалб этиш асосида ноёб рекомбинант шакллар яратилган (Chinese Academy of Agricultural Sciences, Хитой); туркум турларнинг генеологияси, касаллик ва зараркунанда ва ташқи муҳитнинг биотик ва абиотик таъсирларига чидамлик потенциални аниқланган (Nanjing Agricultural University); ғўзанинг маданий ва ёввойи турлар иштирокидаги турлараро дурагайларни синтез қилиш ва уларни генетик-селекцион тадқиқотларда қўллашнинг самарадор усуллари ишлаб чиқилган (Indian Central Institute for Cotton Research, Ҳиндистон), интрогрессив дурагай шаклларини морфологик

² Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.arc.sci.eg>, <http://www.ipaperu.org>, <http://www.ccrim.org.pk>, <http://www.njau.edu.cn>, <http://www.ars.usda.gov>, <http://www.cicr.org.in>, <http://www.ccris.org>, igebr@academy.uz ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

белгилари тавсифланган, микдорий белгиларига баҳо берилган, қимматли бошланғич ашёлар аниқланган ҳамда қатор навлари яратилган (Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон).

Дунёда ғўза навларининг генотипларини бойитишда турли геномли турларини жалб этиш бўйича, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: турлараро дурагайлаш, экспериментал полиплоидия услулларидан фойдаланиш, ғўза турларининг белги-хусусиятларининг ирсийланиш қонуниятларини таҳлил қилиш, ғўза турларининг филогенетик муносабатларига аниқлик киритиш, ёввойи турларнинг фойдали белгиларини маданий турларга ўтказиш орқали ўзида бир неча турлар генотипини мужассамлаштирган янги шакллар асосида амалий селекция жараёнида қўллаш, генетик жиҳатидан бойитилган қимматли ашё ва навлар яратиш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ғўзанинг янги хусусиятларга эга навларини яратишда, турли геномларга мансуб ғўзанинг турлари иштирокида турлараро дурагайлаш ва экспериментал полиплоидия услулларидан фойдаланиш асосида қимматли хўжалик белгиларига эга, кишлоқ хўжалик касаллик ва зараркунандаларга чидамли донорлар олиш бўйича хорижлик олимлар Q.Liu & al. (2015), Yu Chen & al. (2014), L.Zhang & al. (2010), Ch.Hall, R.Heath, D.Guest (2013), B.T.Campbell & al. (2010), H.Benbouza & al. (2010), шу билан бирга республикамиз олимлари Л.Г.Арутюнова (1989), А.А.Абдуллаев (2003), С.М.Ризаева (1996), Ш.Э.Намозов, С.Ғ.Бобоев (2014), Sirojiddinov V.A., & al. (2018) ва бошқа кўплаб олимлар томонидан *Gossypium* L. туркуми турларини баҳолаш, ташқи муҳитнинг биотик ва абиотик таъсирларига чидамли бўлган ноёб дурагай шаклларни яратиш ҳамда ғўза генофондини янги генотиплар билан бойитиш орқали генетик имкониятини янада кенгайтириш ва селекция ишларининг самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар олиб борилиб, самарали натижаларга эришилган. Таъкидлаш лозимки, турли геномли ғўза турларининг ўзаро филогенетик муносабатлари аниқлаш, турлараро дурагайлаш асосида янги генотипларга эга бўлган дурагай шаклларни гексаплоид даражасига кўтариш, интрогрессив дурагай ўсимликларининг морфобиологик белгиларини ўрганиш, турли геномли гексаплоид ($2n=78$) F_1 дурагайлари цитоэмбриологик таҳлил қилиш, *Fusarium*, *Verticillium wilts* ва комплекс замбуруғлардан ажратилган микотоксинларининг ўсимликларга таъсирини ўрганиш, дурагай шаклларда морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва трансгрессив ўзгарувчанлигини ўрганиш, янги полигеномли шакллардан комплекс қимматли-хўжалик белгиларга эга бўлган рекомбинантларни ажратиш олиш ва морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларини баҳолаш борасидаги комплекс изланишларни олиб бориш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф5-Т024 «*Gossypium* L. туркумининг полиморф турларининг туричи ва турлараро биохилма-хилликларининг филогенетик қариндошлик даражаси» мавзусидаги фундаментал лойиҳа (2012-2016) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ғўзанинг турли геномли турларини турлараро дурагайлаш ва экспериментал полиплоидия услубларидан фойдаланиш асосида олинган дурагай шаклларни морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва трансгрессив ўзгарувчанлигини аниқлаш ҳамда улардан амалий селекция жараёнида генетик жиҳатдан бойитилган оила ва тизмалар яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифаси.

- *G.arboreum* L. ва Австралия ғўзаси турларининг морфобиологияси ва ўзаро дурагайлар олиш имкониятини аниқлаш;

- турли геномли (A, C, G) диплоид ($2n=26$) ғўза турларининг турлараро F_1 , F_2 ўсимликларининг морфобиологик хусусиятларини ўрганиш;

- F_1 ва F_2 турлараро дурагайларида морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиш характери ўрганиш;

- турлараро дурагайлаш асосида янги генотипларга эга бўлган дурагай шаклларни аллополиплоид даражасига кўтариш;

- интрогрессив дурагай ўсимликларининг морфобиологик белгиларини ўрганиш;

- F_1C , F_1B_1C дурагайларда микроспорогенезнинг айрим жараёнларини ўрганиш;

- мураккаб ва конвергент (F_1C-F_5C , F_4B_1C) дурагай комбинацияларда *Fusarium*, *Verticillium wilt* ва комплекс замбуруғлардан ажратилган микотоксинларининг ўсимликлар уруғининг унувчанлигига таъсирини ўрганиш;

- мураккаб ва конвергент (F_1C-F_5C , F_4B_1C) дурагай комбинацияларда *Fusarium*, *Verticillium wilt* ва комплекс замбуруғлардан ажратилган микотоксинларининг ўсимликларнинг баргига таъсирини ўрганиш;

- F_1C-F_5C , F_4B_1C дурагайларда морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва трансгрессив ўзгарувчанлигини ўрганиш;

- яратилган янги полигеномли шакллардан комплекс қимматли-хўжалик белгиларга эга бўлган рекомбинантларни ажратиб олиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Австралия ёввойи диплоид ғўза турлари: *G.sturtianum* Willis var. *sturtianum*; *G.sturtianum* var. *nandewarensis* (Der.) Fryx.; *G.australe* F.Muell.; *G.nelsonii* Fryx.; *G.bickii* Prokh.; Ҳинди-Хитой ғўзаси- *G.arboreum* L. диплоид турининг туричи хилма-хилликлари: ssp. *obtusifolium* (Roxb.) Mauer; ssp. *obtusifolium* var. *indicum*; ssp. *perenne* (Blanco) Mauer; ssp. *neglectum* (Tod.) f. *sanguineum*; ssp. *nanking* (новвотранг толали);

ssp. *nanking* (оқ толали); тетраплоид *G.hirsutum* ssp. *euhiirsutum* («Наманган 77» ва «Келажак» навлари) кенжа турлари ҳамда экспериментал полиплоидия услубидан фойдаланиш асосида ўзида бир неча турлар генотипини мужассамлаштирган янги интрогрессив дурагай шаклларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг предмети турли геномли турлараро диплоид турларининг морфобиологик хусусиятлари, интрогрессив дурагай шаклларнинг *Fusarium*, *Verticillium wilt* ва комплекс замбуруғлардан ажратилган микотоксинларга таъсири, морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва трансгрессив ўзгарувчанлиги таҳлиллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ғўза генетикаси ва селекциясининг классик услублари, турлараро дурагайлаш, цитоэмбриология, қиёсий морфология, экспериментал полиплоидия, генетик-селекцион статистика таҳлилнинг замонавий усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор *G.arboreum* L. ва Австралия ғўзаси турлари билан ўзаро филогенетик муносабатларини аниқланган;

турлараро дурагайлаш асосида янги генотипларга эга бўлган дурагай шаклларни аллополиплоид даражасига кўтариб, улардан генетика ва амалий селекциясида самарали фойдаланиш имкониятлари очиқ берилган;

турлараро дурагайлаш ва экспериментал полиплоидия услубларини қўллаш орқали яратилган полигеномли дурагайларда қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлик даражаси ва шаклланишига қиёсий баҳо бериш, генетик табиати ҳамда белгиларининг янги генетик ўзгарувчанлигига эга рекомбинантларни ажратиш олишдаги самарадорлиги исботаланган;

илк бор *G.hirsutum* ssp. *euhiirsutum* Наманган 77 x (ssp. *obtusifolium* var. *indicum* x *G.australe*), *G.hirsutum* ssp. *euhiirsutum* Келажак x (ssp. *nanking* (оқ толали) x *G.nelsonii*), Наманган 77 x [Наманган 77 x (ssp. *obtusifolium* var. *indicum* x *G.australe*)], [Наманган 77 x (ssp. *obtusifolium* var. *indicum* x *G.australe*)] x Наманган 77, Келажак x [Келажак x (ssp. *nanking* (оқ толали) x *G.nelsonii*)] ва [Келажак x (ssp. *nanking* (оқ толали) x *G.nelsonii*)] x Келажак дурагай ўсимликларининг морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларининг кенг қамровдаги ўзгарувчанлиги юз бериши аниқланган;

турлараро дурагайлаш ва экспериментал полиплоидия услублари орқали олинган полигеномли дурагайларда маҳсулдорлик, тола чиқими ва тола узунлиги, битта кўсақдаги пахта вазни ва бошқа белгиларининг юқори мажмуасига эга рекомбинантлар ажратиш олиш имконини бериши аниқланган;

интрогрессив дурагай шаклларда трансгрессив ўзгарувчанликни ошириш ва қимматли хўжалик белгиларининг генетик потенциалини янада кенгайтириш ҳамда янги генотипларга эга ноёб дурагай шаклларни яратишдаги самарадорлиги тасдиқланган;

турли геномли турларнинг турлараро дурагайлаш ва экспериментал полиплоидия услубларидан фойдаланиш асосида генетик жиҳатдан бойитилган янги интрогрессив шаклларни О-1.1-1/17, О-1.2-2/17, О-1.3-3/17, О-7.2-2/17, О-2.1-1/17, О-2.2-2/17, О-2.4-4/17, О-7.2-2/17, О-9.4-4/17 оилалари ҳамда Т-981, Т-523, Т-20 тизмаларидан генетика-селекция изланишларда дастлабки манба сифатида фойдаланиш учун тавсия этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Яратилган дурагайлар ва шаклларда қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланиш жараёни бўйича олинган назарий маълумотлардан назарий тадқиқотларда, яратилган ноёб дурагайлар ва шакллар эса амалий ғўза селекциясида фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Gossypium L. туркуми полиплоид турларининг мавжуд замонавий табиий классификациясини такомиллаштириш, полиплоид турларининг биологик хусусиятлари ва селекциявий потенциалини баҳолаш ҳамда ғўзанинг маданий турлари ёввойи аجدодларининг генетик имкониятларидан рационал ва самарали фойдаланиш, интрогрессив дурагай шаклларнинг морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлик характери аниқлаш фаолиятларида қўлланилиши очиб берилган;

тадқиқот доирасида ажратиб олинган қимматли дурагайлар ғўзанинг ноёб полигеном шакллари янги навларини яратиш ва мавжуд навларни хўжалик белгиларини такомиллаштириш бўйича олиб бориладиган генетика-селекция дастурларида фойдали белгилар манбаи сифатида фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларда классик ва замонавий услублар ҳамда назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, илмий тадқиқотлар натижаларининг республика, халқаро илмий-амалий анжуманлардаги муҳокамаси ва етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, олинган маълумотлар замонавий генетик-селекцион статистик таҳлили билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Австралия ва Ҳинди-Хитой диплоид ғўза турларининг ўзаро филогенетик муносабатлари аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда тадқиқ этилганлиги, изланиш натижаларининг комплекс таҳлил қилинганлиги, морфобиологик ва хўжалик томонидан баҳоланганлиги, ғўза турларининг янги филогенетик тизими тузилганлиги ва уларнинг систематик ўрнига аниқлик киритилганлиги, янги генотипларга эга бўлган дурагай шаклларни гексаплоид даражасига кўтариш имкониятлари аниқланганлиги, интрогрессив дурагай шакллари белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлик характери очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республика пахтачилигини муваффақиятли ривожланишининг амалий масалари ва вазифаларини ҳал

етишда бир-биридан узоқ бўлган ғўза турларини турлараро дурагайлаш ва экспериментал полиплоидия услублари асосида олинган ноёб интрогрессив дурагай рекомбинантларни генетика-селекция изланишларда дастлабки манба сифатида фойдаланиш мумкинлигини амалий исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғўза навларининг генотипларини бойитишда турли геномли турлардан фойдаланишни тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ғўза навларининг генотипларини бойитишда турли геномли турлардан фойдаланиш бўйича олинган илмий натижалар СААС-013816717X рақамли «Қурғоқ ерларда абиотик стресс омилларга чидамли навлар яратиш» мавзусидаги лойиҳасида интрогрессив дурагай шаклларининг абиотик стресс омилларига чидамлилигини баҳолашда фойдаланилган (Хитой Фанлар академиясининг 2020 йил 2 мартдаги маълумотномаси). Илмий натижалар интрогрессив дурагай шаклларнинг морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва стресс шароитларда ўзгарувчанлик характерини аниқлаш имконини берган;

интрогрессив дурагай шаклларининг абиотик стресс омилларига чидамлилигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар A&A Ausbildung und Arbeit Plus GmbH институтининг илмий лойиҳаларида фойдаланилган (A&A Ausbildung und Arbeit Plus GmbH институтининг 2020 йил 28 февралдаги маълумотномаси). Илмий натижалар генотипларини бойитиш ва ташқи муҳитнинг биотик ва абиотик стресс омилларига чидамли янги барқарор линиялари яратишда фойдаланиш имконини берган;

ғўзанинг ноёб интрогрессив шакллари ФА-А8-Т026 «Дунё ғўза генофонди тетраплоид турлари навларининг хилма-хиллигини ўрганиш, хўжалик ва биологик хусусиятларига ҳамда селекциявий потенциалига баҳо бериш» мавзусидаги лойиҳасида ғўза турларининг хўжалик ва биологик хусусиятларига ҳамда селекциявий потенциалига баҳо беришда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 25 февральдаги 4/1255-583-сон маълумотномаси). Илмий натижалар ғўза генофондининг полиплоид турларининг қимматли хўжалик ва биологик хусусиятларига ҳамда селекциявий потенциалига баҳо бериш, ташқи муҳитнинг биотик ва абиотик таъсирларига чидамли бўлган қимматли намуналар ажратиш олиш ҳамда ғўза генофондини янги генотиплар билан бойитиш орқали генетик имкониятларидан рационал ва самарали фойдаланиш имконини берган;

турлараро дурагайлаш, экспериментал полиплоидия услубларини қўллаш асосида ўзида бир неча турлар генотипини мужассамлаштирган янги интрогрессив шакллар Республикада етакчи бўлган «Ғўза генофонди» ноёб объектига киритилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 25 февральдаги № 4/1255-582-сон маълумотномаси). Ушбу рекомбинант намуналар ғўза коллекцияси фондини бойитиш, *Gossypium* L. туркуми турларини баҳолаш, ташқи муҳитнинг биотик ва абиотик

таъсирларига тез мослаша оладиган янги пластик генотиплар ва уларнинг генетик потенциалини янада кенгайтириш бўйича электрон базаси ахборот-таҳлил тизимини шакллантириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 18 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестациясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 та республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 197 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Вўза навларининг генотипларини бойитишда полигеномли дурагайлардан фойдаланиш таҳлили**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси доирасида республика ва хориж олимлари томонидан *Gossypium* L. туркуми турларининг эволюция жараёнини ўрганиш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар шарҳи келтирилган.

Бобнинг биринчи бўлимида турли геномли (A, C, G) ўўза турларининг эволюция жараёнини ўрганиш тарихи баён этилган. Австралия ва Ҳинди-Хитой диплоид ўўза турларининг эволюция жараёнини ўрганиш тарихи тўғрисидаги маълумотлар таҳлиliga алоҳида эътибор қилинган.

Бобнинг иккинчи бўлимида турлараро дурагайлаш ҳамда экспериментал полиплоидия услублари ҳақидаги маълумотлар таҳлили келтирилган. Вўза генетикаси ва амалий селекцияси соҳасида олиб борилган тадқиқот натижалари, шунингдек, қимматли хўжалик белгилар ва қишлоқ хўжалик касаллик ва зараркунандалар ҳамда ташқи муҳитнинг турли омилларга чидамлилиқ хусусиятлар мажмуига эга янги генотипларни яратиш жараёнида турлараро дурагайлаш, экспериментал полиплоидия услубларидан самарали фойдаланишнинг аҳамияти ва самарадорлиги масалалари очиб берилган.

Диссертациянинг «Дастлабки манба, тажриба ўтказиш шароитлари ва услублари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материали, тажриба ўтказиш жойи ва шароитлари, изланишларда фойдаланган услублар тўғрисида қисқача баён қилинган.

Бобнинг биринчи ва иккинчи бўлимларида тажрибаларни ўтказиш шароитлари ҳамда изланишлар учун дастлабки манбалар келтирилган.

Бобнинг учинчи бўлимида ғўза генетикаси ва селекциясининг классик услублари, турлараро дурагайлаш, цитоэмбриология, қиёсий морфология, экспериментал полиплоидия, генетик-селекцион статистика таҳлили услублари тўғрисида қисқача баён қилинган. Ўрганилаётган ёввойи ғўза турлари ва уларнинг ўзаро дурагайлаш натижасида олинган дурагайлариининг чигитларининг майдалиги, сонининг камлиги ва қаттиқ «тошсимон» қобикқа эга эканлиги сабабли, бу уруғларни тўғридан-тўғри очик дала шароитида экиб ундириш жуда мураккаб. Шу муносабат билан, уруғларни униб чиқишини тезлаштириш мақсадида, микропиляр қисмидан стратификация қилиниб, тайёрланган уруғлар калий марганец моддасининг кучсиз эритмаси ҳамда дистилланган сувда ювилди. Уруғлар фильтр қоғози қўйилган Петри идишида 30-35⁰С иссиқликдаги термостатда 24 соат муддатга қўйилиб, ундирилди. Униб чиққан уруғларни тайёрланган қоғоз идишчаларга март ойининг охири апрель ойининг бошларида махсус қоғоз тувакчаларга экилди ҳамда униб чиқиш қуввати ва ривожланиши кузатиб борилди. F₀ ўсимликлари қоғоз идишчалари билан бирга идишчани пастки қисмини олиб ташлаган ҳолда Вагнер идишларига ўтказилди. F₁ ўсимликлари бутун вегетация давомида Вагнер идишларида махсус фотопериодик уйчаларда ўстирилди. F₁ диплоид (2n=26) ўсимликларини маданий тетраплоид *G.hirsutum* ssp. *euhirsutum* (2n=52) навлари билан дурагайлаш натижасида олинган триплоид (2n=39) дурагайлариининг чигитларининг микропиляр қисмидаги қобиғ озгина кесиб ташланиб, Петри косачасида (чашка) 30-35⁰С ҳароратдаги термостатда ундирилди. Ундирилган чигит нишлари 0,1%ли колхицин эритмасига 20-24 соатга солиб қўйилди. Сўнгра ниш отган уруғлар 1:1:1 нисбатда маҳаллий ўғит (гўнг), тупроқ ва кум аралашмаси солиб тайёрланган қоғоз тувакчаларда ундирилди. Тувакчалардаги ниҳолларда 2-3 та чинбарг ҳосил бўлгандан сўнг, уларни Вагнер идишларга ўтказилди. Вегетация даврининг охирида ота-она шакллари, диплоид ва синтетик дурагай ўсимликларининг морфобиологик белгиларига тавсиф берилди.

Изланишларда *Verticillium dahliae* Kleb. ва *Fusarium oxysporum* f.sp. *vasinfectum* га толерантлигини аниқлашда ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти “Фитопатоген микроорганизмлар коллекцияси - Ноёб илмий объект”и коллекциясидан олинган штаммларидан фойдаланилди.

Ғўза ўсимлигининг барча морфобиологик белгилари Sanyo digital camera фотоаппаратида расмга туширилди, микдорий ўлчов ишлари CAS MWP-1200 электрон тарозида олиб борилди.

Диссертациянинг «Турли геномли (А, С, G) ғўза турларининг турлараро F₀-F₂ ўсимликларининг морфобиологик хусусиятлари ҳамда қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши» деб номланган учинчи бобида Австралия ва Ҳинди-Хитой (*G.arboreum* L.) ғўза турларининг турлараро дурагайлаш, цитоэмбриологик ва қиёсий морфология услубларидан фойдаланиш асосида уларнинг систематик ўрни, филогенетик қариндошлик даражаси, морфобиологиясини ўрганиш натижалари, қимматли-хўжалик белгиларига эга бўлган янги шакллар олиш ва уларнинг дурагайланиш имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар баён этилган.

Бобнинг биринчи бўлимида Австралия ва Ҳинди-Хитой ғўзаси турларининг гуллаш биологияси таҳлили натижалари келтирилган. Австралия ғўзаси турлари гуллаши жиҳатидан хазмогам ва клейстогам типларда кузатилди. Ҳинди-Хитой ғўза турлари эса хазмогам типдаги гуллаш характерли эканлиги аниқланди. Австралия ғўзаси турлари қисқа кунга талабчан, *G.arboreum* L. турининг аксарият шакллари қисқа кунга талабчан эмас фақатгина ёввойи шакл вакиллари кучсиз қисқа кунга талабчанлиги аниқланди. Шунингдек ўрганилган турлар репродуктив даври босқичларининг ҳамда ўсимликларнинг тиним даврининг мос келмаслиги қайд этилди.

Бобнинг иккинчи бўлимида *G.arboreum* L. ва Австралия ғўза турларининг турлараро F₀ авлод дурагайларида кўсак ва уруғ тугилиш даражаси таҳлил натижалари келтирилган. Ўрганилган ғўза турларининг асосий қисми бир-бири билан ўзаро қийин дурагайланиш ҳолати кузатилиб, уларнинг филогенетик жиҳатдан нисбий узоқ эканлигини аниқланди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, *G.arboreum* ssp. *nanking* кенжа турининг оқ толали шаклини оналик шакли сифатида дурагайлаш учун фойдаланилганда *G.nelsonii* ёввойи тури билан нисбий равишда яқин эканлиги қайд этилди.

Бобнинг учинчи бўлимида турли геномли (А, С, G) ғўза турларининг F₁ дурагайларида морфобиологик тавсифи таҳлили баён этилган. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, морфобиологик белгиларнинг намоён бўлишида асосан оралиқ ҳолатда ирсийланиши кузатилар экан. Баъзи ҳолларда олинган дурагайларда морфобиологик белгилари бўйича ота-она шакллари-дан бирининг белгиларига, кўпинча оналик шакли сифатида иштирок этган ўсимлик белгиларига яқинроқ бўлди. Бу ўз навбатида, экологик-географик жиҳатидан бир-биридан узоқ бўлган ғўза турларининг эволюцион жараёнида наслий белгиларни мужассам этган организмларни ўрни цитоплазмаси орқали бориш даражаси қанчалик муҳим эканлигини кўрсатади. Таъкидлаш лозимки, F₁ дурагайларида ўз ота-она шаклларига хос бўлмаган ҳолатлар қайд этилди, жумладан: 1) гулининг ранги, ҳажми, оналик устунчаси (*гиней*), антоциан доғининг интенсивлиги (кучли ёки кучсиз); 2) баргининг шакли, ранги, ўлчами, тукланиш даражаси, шира чиқарувчи безлари; 3) ўсимлик бўйи, биринчи ҳосил шохигача бўлган бўғинлар сони, тукланиш ва антоциан қизариши даражаси, шохланиш тури. F₁ *G.nelsonii* x ssp. *obtusifolium*, var. *sturtianum* x ssp. *obtusifolium* var. *indicum*, ssp. *obtusifolium* var. *indicum* x var.

nandewareense, ssp. *obtusifolium* var. *indicum* x *G.nelsonii*, *obtusifolium* var. *indicum* x *G.bickii*, *G.bickii* x ssp. *obtusifolium* var. *indicum*, ssp. *perenne* x *G.bickii*, *G.bickii* x ssp. *perenne*, var. *sturtianum* x ssp. *neglectum* f. *sanguineum*, ssp. *neglectum* f. *sanguineum* x *G.nelsonii*, ssp. *neglectum* f. *sanguineum* x *G.bickii*, var. *nandewareense* x ssp. *nanking* (новотранг толали), ssp. *nanking* (новотранг толали) x *G.bickii*, *G.bickii* x ssp. *nanking* (новотранг толали), var. *nandewareense* x ssp. *nanking* (оқ толали), *G.nelsonii* x ssp. *nanking* (оқ толали) дурагай комбинацияларида ривожланиш даврининг бошланғич босқичида ўсимликларнинг нобуд бўлиши қайд этилди.

Бобнинг тўртинчи бўлимида вегетация даврининг давомийлиги ирсийланишига бағишланган. *G.arboreum* L. турининг туричи хилма-хилликларининг Австралия ёввойи ғўза турлари билан дурагашлаш асосида олинган F₁, F₂ дурагай ўсимликларида вегетация даври белгисининг таҳлиliga кўра, эртапишар ва кечпишар шакллар кузатилиши қайд этилди. F₁ *G.nelsonii* x ssp. *nanking* (новотранг толали) дурагай комбинацияси вегетация даври 188,2 (ўзгарувчанлик амплитудаси 186-191) кунни ташкил этиб, кечпишар шаклда кузатилиши аниқланди. F₁ ssp. *nanking* (оқ толали) x *G.bickii* дурагай комбинациясида эса вегетация даври энг юқори кўрсаткичда 106,6 (ўзгарувчанлик амплитудаси 104-110) кун кузатилиб, ижобий гетерозис ҳолати яъни эртапишар шаклда кузатилди. F₂ ssp. *nanking* (новотранг толали) x *G.nelsonii* дурагай комбинацияларида вегетация даври 116,7 кун ташкил этиб, вариация коэффиценти 1,94% тенг бўлиб, вегетация даври юқори кўрсаткичлар қайд этилди. Вегетация даврининг F₂ ўсимликларида ирсийланиш бўйича *G.nelsonii* x ssp. *nanking* (новотранг толали), *G.australe* x ssp. *nanking* (новотранг толали) комбинациясида белгининг ирсийланишида генлар таъсири 54,0-57,0% ва ташқи муҳит омиллари таъсири 43,0-46,0% ни ташкил этди. F₂ ssp. *nanking* (новотранг толали) x *G.australe* дурагай комбинациясида эса белгининг ирсийланишида генлар таъсири 16,0% ни ташкил этиб, ўз навбатида ташқи муҳит омиллари таъсири 84,0% ни ташкил этиши аниқланди.

Бобнинг бешинчи бўлимида тола узунлиги ирсийланиши таҳлили баён этилган. F₁ ssp. *obtusifolium* var. *indicum* x *G.australe* дурагай комбинациясида тола узунлиги бўйича юқори кўрсаткичда (25,3 мм) намоён этиб, доминантлик коэффиценти $h_p = 1,3$ тўлиқ доминантлик ҳолатида яъни ижобий гетерозис ҳолатда ирсийланишини кузатишимиз мумкин. *G.australe* x ssp. *obtusifolium* var. *indicum* реципрок дурагай комбинациясида эса тола узунлиги нисбатан паст (4,8 мм) кўрсаткичларда намоён бўлиб, доминантлик коэффиценти $h_p = -1,2$ тўлиқсиз доминантлик ҳолатида ирсийланиши кузатилиб, салбий гетерозис ходисаси қайд этилди. F₂ авлод дурагай комбинацияларда қисман гетерозис ҳолати сақланган ҳолда, тола узунлиги юқори бўлган (23,5-25,0 мм) шакллар ажратиб олинган.

Бобнинг олтинчи бўлимида тола чиқими ирсийланиши натижалари келтирилган. Тадқиқотларда F₁ авлод ўсимликларда тола чиқими асосан

оралиқ ҳолатда ирсийланиши аниқланди. Истисно ҳолида *G.arboreum* L. турининг ёввойи *ssp. obtusifolium* шакли билан *G.australe* турининг дурагайлаш асосида олинган F₁ дурагай комбинациясида тола чиқимининг доминант ҳолатда ирсийланиши кузатилди (1-жадвал).

1- жадвал.

Турлараро F₁ дурагай ўсимликларида тола чиқимининг ирсийланиши

Турлараро F ₁ дурагай комбинациялари	Тола чиқими, %				
	$\bar{x} \pm S\bar{x}$	min ± max	S	V%	hp
Ота-она шакллари					
<i>ssp. obtusifolium</i>	20,5 ± 0,51	18,2-22,2	1,6	7,8	-
<i>ssp. obtusifolium</i> var. <i>indicum</i>	29,9 ± 0,83	27,3-33,3	2,6	8,8	-
<i>ssp. perenne</i>	28,7 ± 0,75	25,0-31,3	2,4	8,2	-
<i>ssp. neglectum</i> f. <i>sanginium</i>	31,1 ± 0,77	27,8-35,7	2,4	7,9	-
<i>ssp. nanking</i> (новвогранг толали)	28,4 ± 0,55	26,7-31,3	1,7	6,2	-
<i>ssp. nanking</i> (оқ толали)	29,8 ± 0,61	26,3-33,3	1,9	6,5	-
var. <i>sturtianum</i>	5,4 ± 0,16	4,5-5,9	0,5	9,4	-
var. <i>nandewareense</i>	4,8 ± 0,15	4,3-5,3	0,5	9,6	-
<i>G.australe</i>	6,5 ± 0,16	5,9-7,7	0,5	8,0	-
<i>G.nelsonii</i>	6,0 ± 0,14	5,3-6,7	0,4	7,6	-
<i>G.bickii</i>	5,6 ± 0,16	5,0-6,3	0,5	9,2	-
F₁ ўсимликлари					
<i>ssp. obtusifolium</i> x var. <i>nandewareense</i>	20,3 ± 1,25	15,4-27,3	3,9	19,5	1,0
<i>G.australe</i> x <i>ssp. obtusifolium</i>	20,6 ± 1,86	14,3-28,6	5,9	28,5	1,0
<i>ssp. obtusifolium</i> var. <i>indicum</i> x var. <i>sturtianum</i>	23,2 ± 0,69	20,0-26,7	2,2	9,4	0,5
<i>ssp. obtusifolium</i> var. <i>indicum</i> x <i>G.australe</i>	25,2 ± 1,27	16,7-31,3	4,0	15,9	0,6
<i>G.australe</i> x <i>ssp. obtusifolium</i> var. <i>indicum</i>	24,6 ± 1,12	20,0-28,6	3,5	14,3	0,5
<i>G.nelsonii</i> x <i>ssp. perenne</i>	11,4 ± 0,99	7,7-15,4	3,1	27,3	-0,5
<i>ssp. neglectum</i> f. <i>sanginium</i> x var. <i>nandewareense</i>	19,6 ± 0,88	16,7-22,2	2,8	14,1	0,1
<i>ssp. neglectum</i> f. <i>sanginium</i> x <i>G.australe</i>	25,7 ± 1,51	19,0-33,0	4,8	18,6	0,6
<i>ssp. nanking</i> (новвогранг толали) x var. <i>sturtianum</i>	21,3 ± 0,86	17,6-25,0	2,7	12,8	0,4
<i>ssp. nanking</i> (новвогранг толали) x <i>G.australe</i>	24,0 ± 1,11	20,0-29,4	3,5	14,5	0,6
<i>G.australe</i> x <i>ssp. nanking</i> (новвогранг толали)	12,5 ± 0,95	9,1-16,7	3,0	24,0	-0,5

ssp. <i>nanking</i> (новвотранг толали) х <i>G.nelsonii</i>	22,3 ± 0,54	20,0-25,0	1,7	7,6	0,5
<i>G.nelsonii</i> х ssp. <i>nanking</i> (новвотранг толали)	11,4 ± 0,71	7,7-14,3	2,2	19,6	-0,5
ssp. <i>nanking</i> (оқ толали) х <i>G.australe</i>	25,2 ± 0,71	22,2-29,4	2,2	8,9	0,6
<i>G.australe</i> х ssp. <i>nanking</i> (оқ толали)	21,7 ± 0,91	20,0-25,0	2,9	13,3	0,3
ssp. <i>nanking</i> (оқ толали) х <i>G.nelsonii</i>	22,3 ± 0,47	20,0-25,0	1,5	6,7	0,4
ssp. <i>nanking</i> (оқ толали) х <i>G.bickii</i>	22,9 ± 1,07	17,6-28,6	3,4	14,7	0,4

G.arboreum L. турини Австралия ёввойи ғўза турлари билан дурагайлаш натижасида олинган F₁ дурагай комбинацияларида тола чиқими энг юқори кўрсаткичлар ssp. *nanking* (новвотранг толали) х *G.australe*, *G.australe* х ssp. *obtusifolium* var. *indicum*, ssp. *obtusifolium* var. *indicum* х *G.australe*, ssp. *nanking* (оқ толали) х *G.australe*, ssp. *neglectum* f. *sanginium* х *G.australe* дурагай комбинацияларида (24,0-25,7%) қайд этилди. *G.nelsonii* х ssp. *perenne*, *G.nelsonii* х ssp. *nanking* (новвотранг толали) ҳамда *G.australe* х ssp. *nanking* (новвотранг толали) дурагай комбинацияларида паст кўрсаткичлар (11,4-12,5%) эга эканлиги аниқланди. Таъкидлаш лозимки, *G.arboreum* L. турининг субтропик шаклини Австралия ёввойи (*G.nelsonii*, *G.australe* оналик шакли) ғўза турлари билан дурагайлаш асосида олинган F₁ дурагай ўсимликларида тола чиқими паст кўрсаткичларда намоён бўлиши кузатилди. F₂ авлод дурагай комбинацияларида тола чиқими энг юқори кўрсаткичлар ssp. *nanking* (новвотранг толали) х *G.australe* F₂ дурагай комбинацияларида (20,0%) қайд этилди. *G.nelsonii* х ssp. *nanking* (новвотранг толали) дурагай комбинацияларида паст кўрсаткичлар (11,0%) кузатилди ҳамда F₂ ўсимликларида тола чиқими белгисининг гетерозис ҳолатидаги кўрсаткичлари сақланиб қолмаганлиги аниқланди.

Бобнинг еттинчи бўлимида «битта кўсакдаги пахта вазни» кўрсаткичлари ирсийланиши таҳлили баён этилган. F₁ ssp. *neglectum* f. *sanginium* х *G.australe*, ssp. *nanking* (оқ толали) х *G.australe* дурагай комбинациялари «битта кўсакдаги пахта вазни» белгиси бўйича юқори кўрсаткич (1,8 г.) намоён этиб, ижобий гетерозис ҳолатида ирсийланиши кузатилди. F₁ *G.australe* х ssp. *obtusifolium* var. *indicum*, *G.australe* х ssp. *obtusifolium*, *G.australe* х ssp. *nanking* (новвотранг толали), *G.nelsonii* х ssp. *nanking* (новвотранг толали), *G.australe* х ssp. *nanking* (оқ толали), *G.nelsonii* х ssp. *perenne* дурагай комбинацияларида салбий ўта доминантлик ҳолатида ирсийланиши намоён этилиб, салбий гетерозис ходисаси қайд этилди. F₂ дурагай комбинацияларда қисман гетерозис ҳолати сақланган ҳолда, «битта кўсакдаги пахта вазни» белгиси бўйича юқори (1,8-2,3 г.) кўрсаткичда шакллар ажратиб олинди.

Бобнинг саккизинчи бўлимида тола ранги ирсийланши натижалари келтирилган. F₁ *G.australe* х ssp. *nanking* (новвотранг толали), ssp. *obtusifolium* var. *indicum* х *G.australe*, *G.nelsonii* х ssp. *nanking* (новвотранг толали), ssp.

nanking (новвотранг толали) x *G.nelsonii* дурагай комбинацияларида тола ранги оналик томон ирсийланиши, яъни оналик шаклларининг цитоплазматик генлар таъсири муҳим рол ўйнаши кузатилган бўлса, F_1 ssp. *nanking* (новвотранг толали) x *G.australe* комбинациясида оралик ҳолат, яъни оч новвотранг тола эгаллади. F_2 ўсимликларида тола ранги бўйича 1:2:1; 3:1 ҳамда 15:1 нисбатда ажралиши аниқланди.


Диссертациянинг «Турли геномли интрогрессив дурагайларнинг морфобиологик ва цитологик тадқиқотлар» деб номланган тўртинчи бобида экспериментал полиплоидия услубларидан фойдаланиш асосида ўзида бир неча турлар генотипини мужассамлаштирган янги интрогрессив дурагай шаклларни аллополиплоид даражасига кўтариш имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Бобнинг биринчи бўлими турли геномли гексаплоид ($2n = 78$) дурагайларининг морфобиологик тавсифи натижаларига бағишланган.

Турли хромосомага эга бўлган диплоид ($2n = 26$) ва тетраплоид ($2n = 52$) ғўза турларнинг турлараро дурагайлаш асосида олинган дурагайларнинг экспериментал полиплоидия услубларини қўллаш орқали янги турли геномли ярим фертил (хаётчан) F_1C гексаплоид ($2n = 78$) шакллар олишга эришилди (1-2-расм).



1-расм. F_1C *G.hirsutum* ssp. *euhirsutum* (Наманган 77) x (ssp. *obtusifolium* var. *indicum* x *G.australe*)



2-расм. F_1C *G.hirsutum* ssp. *euhirsutum* (Келажак) x (ssp. *nanking* (оқ толали) x *G.nelsonii*)

Гексаплоид дурагайларда ўсимликнинг суст ва ғайритабиий ўсиши колхицин моддасининг таъсир этганлигини намоён этади. Морфобиологик белгилар (қўсак шакли ва ранги, чигит ҳажми) ва қатор миқдорий белгиларнинг ирсийланиши оралик ҳолатида намоён бўлиши қайд этилди. Ёввойи диплоид ғўза турларининг маданий навлар (тетраплоид) билан қийин чатишиши, айти оналик сифатида иштирок этганида умуман чатишмаслиги, яъни протерандрия ҳодисаси (оналик устунчаси ва чангчилар турли вақтда етилиши) ҳамда турли географик экотипларга мансублиги билан боғлиқ бўлиши, бу ҳолатлар чатиштирилаётган турлар ўртасида маълум генетик тўсиқ пайдо бўлишиги олиб келади.

Бобнинг иккинчи бўлимида интрогрессив дурагай шаклларнинг F_1C , F_2C , F_1V_1C ўсимликларининг гулидаги чангдонлар ва битта чангдондаги чанг

доначалари сони, чанг доначаларининг ҳаётчанлик кўрсаткичлари ва мейоз жараёни таҳлилига бағишланган. F_1C Келажак х (*ssp. nanking* (оқ толали) х *G.nelsonii*), Наманган 77 х (*ssp. obtusifolium* var. *indicum* х *G.australe*) дурагай ўсимликларининг гулидаги чангдонлар ва битта чангдондаги чанг доначалари сони, чанг доначаларининг ҳаётчанлик кўрсаткичлари ота-она шаклларига нисбатан паст кўрсаткичларда қайд этилди. F_2C , F_1V_1C дурагай ўсимликларида эса мазкур белгилар бўйича олинган натижалар нисбатан юқори кўрсаткичларида кузатилиши аниқланди. F_1C , F_1V_1C дурагай ўсимликлар мейоз бир қатор бузилишлар билан ўтиши қайд этилди. Ўрганилган дурагай ўсимликларда асосан тўғри нормал тетрадалар 80,8-90,4% ни ташкил этди. Шу бир қаторда монадалар, диадалар, триадалар, полиадалар ҳосил бўлиши аниқланди.

Бобнинг учинчи бўлимида интрогрессив дурагай ўсимликларида маҳсулдорлик кўрсаткичларининг таҳлили баён этилган. F_2C , F_3C , F_1V_1C дурагай ўсимликларининг маҳсулдорлик хусусиятлари, яъни бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони ва кўсақдаги тўлиқ уруғлар тугилиши фоизининг ортиши қайд этилди. Олинган шакллар эса ўз навбатида генетик потенциалидаги ноёб белгиларни ўзида мужассам этган янги навлар яратиш, мавжуд навларни хўжалик белгиларини такомиллаштириш бўйича олиб бориладиган изланишларда фойдали белгилар донори (манбаи) сифатида қўлланилиши натижасида селекциянинг самарадорлигини оширишда хизмат қилади.

Диссертациянинг «**Янги интрогрессив дурагай ва беккросс шаклларнинг микромицетларга толерантлиги**» деб номланган бешинчи бобида интрогрессив дурагай ва беккросс шаклларда патоген микромицетларга чидамлик таъсир даражасининг таҳлилига бағишланган.


Бобнинг учинчи бўлимида интрогрессив дурагай ва беккросс шаклларнинг патоген микромицетларга (*Verticillium dahliae* Kleb. ва *Fusarium oxysporum* f.sp.*vasinfectum*) толерантлиги баён этилган. янги интрогрессив дурагай шаклларни *Verticillium dahliae*, *Fusarium oxysporum* f.sp.*vasinfectum* микромицетлардан ажратилган микотоксинларининг ўсимлик уруғларининг унувчанлигига таъсири даражаси таҳлилига кўра, F_4C дурагай комбинацияларида *Verticillium dahliae*, *Fusarium oxysporum* f.sp.*vasinfectum* га чидамли рекомбинантлар ҳиссаси F_2C дурагай комбинацияларида нисбатан бир қанча ортиши аниқланди. F_4C авлодда мазкур белгининг кучайишида иштирок этувчи генларнинг доминант аллелларини йиғилиши ва полимерия табиатининг мавжудлигидан далолат беради. F_3V_1C Наманган 77 х [Наманган 77 х (*ssp. obtusifolium* var. *indicum* х *G.australe*)] «Оила 2», F_3V_1C [Келажак х (*ssp. nanking* (оқ толали) х *G.nelsonii*)] х Келажак «Оила 1», F_4C Наманган 77 х (*ssp. obtusifolium* var. *indicum* х *G.australe*) «Оила 2», «Оила 3», F_4C Келажак х (*ssp. nanking* (оқ толали) х *G.nelsonii*) «Оила 3» ларда *Verticillium dahliae* микромицетидан ажратилган микотоксинларига толерантлиги аниқланди (3-расм).



Изоҳ: 1. Назорат
2. *Verticillium dahliae*
3. *Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfectedum

3-расм F₄C Наманган 77 х (*ssp. obtusifolium* var. *indicum* х *G.australe*) «Оила 2»

F₃B₁C [Наманган 77 х (*ssp. obtusifolium* var. *indicum* х *G.australe*)] х Наманган 77 «Оила 2», «Оила 3», F₃B₁C Келажак х [Келажак х (*ssp. nanking* (оқ толали) х *G.nelsonii*)] «Оила 2», «Оила 4», F₄C Келажак х (*ssp. nanking* (оқ толали) х *G.nelsonii*) «Оила 2» ларда *Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfectedum микромицетидан ажратилган микотоксинларининг ўсимлик уруғларининг унувчанлигига кучли чидамли таъсири даражаси ҳолатида кузатилди. F₃B₁C [Наманган 77 х (*ssp. obtusifolium* var. *indicum* х *G.australe*)] х Наманган 77 «Оила 4», F₃B₁C Келажак х [Келажак х (*ssp. nanking* (оқ толали) х *G.nelsonii*)] «Оила 3», F₄C Келажак х (*ssp. nanking* (оқ толали) х *G.nelsonii*) дурагай комбинациялари *Verticillium dahliae*, *Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfectedum микромицетлардан ажратилган микотоксинларининг ўсимлик уруғларининг унувчанлигига таъсир даражаси юқори бўлган шакллар ажратиб олинди (4-расм).




Изоҳ: 1. Назорат
2. *Verticillium dahliae*
3. *Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfectedum

4-расм. F₄C Келажак х (*ssp. nanking* (оқ толали) х *G.nelsonii*) «Оила 4»


Бобнинг иккинчи бўлимида ғўзанинг интрогрессив дурагай ўсимликларининг баргларида *Verticillium dahliae* Kleb. ва *Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfectedum фитопатоген микромицетига таъсирини аниқлаш натижалари келтирилган. F₄B₁C Келажак х [Келажак х (*ssp. nanking* (оқ толали) х

G.nelsonii] «Оила 1», F₅C Келажак х (*ssp. nanking* (оқ толали) х *G.nelsonii*) «Оила 3» да *Verticillium dahliae* фитопатоген микромицетларнинг ўсимлик барг намуналарига таъсир даражаси юқори кўрсаткичларда кузатилди (5-расм).



5-расм. Дурагай шаклларни *Verticillium dahliae* га толерантлиги
 а) F₄V₁C Келажак х [Келажак х (*ssp. nanking* (оқ толали) х *G.nelsonii*)] «Оила 3»
 б) Назорат (Стандарт С-6524)
 с) F₄V₁C [Келажак х (*ssp. nanking* (оқ толали) х *G.nelsonii*)] х Келажак «Оила 1»

F₄V₁C Наманган 77 х [Наманган 77 х (*ssp. obtusifolium* var. *indicum* х *G.australe*)] беккросс дарагай комбинациясининг «Оила 4» да *Fusarium oxysporum* f.sp.*vasinfectum* микромицетига толерантлиги аниқланди. Шунингдек F₄V₁C Келажак х [Келажак х (*ssp. nanking* (оқ толали) х *G.nelsonii*)] «Оила 3», «Оила 4», F₄V₁C [Келажак х (*ssp. nanking* (оқ толали) х *G.nelsonii*)] х Келажак «Оила 1», F₅C Наманган 77 х (*ssp. obtusifolium* var. *indicum* х *G.australe*) «Оила 1», «Оила 3», F₅C Келажак х (*ssp. nanking* (оқ толали) х *G.nelsonii*) «Оила 1», «Оила 4» ларда *Verticillium dahliae*, *Fusarium oxysporum* f.sp.*vasinfectum* фитопатоген микромицет ажратилган микотоксинларга кучли чидамлилиқ ҳолати қайд этилди (6-расм).



6-расм. Дурагай шаклларни *Fusarium oxysporum* f.sp.*vasinfectum* га толерантлиги
 а) F₄V₁C [Келажак х (*ssp. nanking* (оқ толали) х *G.nelsonii*)] х Келажак «Оила 2»
 б) Назорат (Стандарт С-6524)
 с) F₅C Келажак х (*ssp. nanking* (оқ толали) х *G.nelsonii*) дурагай «Оила 4»

Мазкур интрогрессив дурагай рекомбинантлар ғўза генофондини янги


генотиплар билан бойитиш орқали генетик имкониятини янада кенгайтириш ва селекция ишларининг самарадорлигини ошириш бўйича селекцион-генетик тадқиқотлар ва амалий селекция жараёнларида бошлашғич манба сифатида тавсия этилади.

Диссертациянинг «**Ўзанинг интрогрессив дурагай ўсимликларининг морфобиологик ҳамда қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши**» деб номланган олтинчи бобида интрогрессив дурагай ўсимликларда морфобиологик ва қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланиш ва трансгрессив ўзгарувчанлик даражаларининг таҳлилига бағишланган.

